

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ ТИЛ ТАДҚИҚИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-339-346>

Юлдашев Анваржон Маҳаммаджонович

Марғилон шаҳар ХТБ тасарруфидаги

21-умумтаълим мактаби ММИБ директор ўринбосари.

ФарДУ мустақил изланувчиси.

anvar_mirzo1972@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Сўз ўта серқирра ва сержило тил (нутқ) бирлиги бўлганлиги боис унинг ҳаётимиздаги ўрни беқиёс эканлиги ва ҳозирги глобаллашув, илм-фан тараққиёти даврида сўзнинг маъно ифодалаши, номинатив функциясининг муҳим аҳамияти, унга берилган илмий таъриф ва талқинлар таснифи ўзига хос лисоний нуқтаи назардан таҳлил этиши ушбу мақоладан кўзланган бош мақсад ҳисобланади. Мақолада сўз ва унинг мантиқий имкониятларини чуқур ўрганиш Янги Ўзбекистон тараққиётида миллий юксалиш шартлари ҳамда тилимизга оид илмий тадқиқотлар фаолиятининг самараси келажакимизни белгилаб берувчи асосий омил эканлиги таъкидланади. Лингвистик жиҳатдан мазкур нутқ бирлиги тадқиқида сўзнинг семантик хусусиятлари, семантик майдон қамрови, ономастик ҳолати, маъно ёки тушунча ифодалашдаги денотатив ва коннотатив функциялари, мазкур функцияларнинг сигнификатив ва структурал шакллари таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: сўз, нутқ, бирлик, талқин, семантика, ономастика, денотатив, коннотатив, сигнификатив, полисемия.

ABSTRACT

Because the word is a very diverse and complex language (speech) unit, its role in our lives is unique, and in the current era of globalization, the development of science, the meaning of the word, the importance of its nominative function, the scientific the main purpose of this article is to analyze the classification and interpretations from a specific point of view. The article emphasizes the in-depth study of the word and its logical possibilities. In other words, the conditions of national development in Uzbekistan and the effectiveness of scientific research on our language are the main factors determining our future. Linguistically speaking, the study of the unit of speech analyzes the semantic properties of the word, semantic

field coverage, onomastic state, denotative and connotative functions in the expression of logic or concept, signifiable and structural forms of these functions.

Keywords: *word, speech, unity, interpretation, semantics, onomastics, denotative, connotative, significative, polysemy.*

АННОТАЦИЯ

Поскольку слово является очень разнообразной и сложной языковой (речевой) единицей, его роль в нашей жизни уникальна, а в условиях современной глобализации развитие науки раскрывает значение слова, значение его номинативной функции, классификацию научных определений и толкования анализируются с специфической лингвистической точки зрения, что является основной целью статьи. В статье подчеркивается, что углубленное изучение слова и его логических возможностей является ключевым фактором развития нового Узбекистана, условий национального роста и эффективности научных исследований нашего языка. В лингвистическом плане при изучении данной речевой единицы анализируются семантические свойства слова, охват семантического поля, ономастическое состояние, денотативные и коннотативные функции в выражении значения или понятия, значения и структурные формы этих функций.

Ключевые слова: *слово, речь, единица, интерпретация, семантика, ономастика, денотатив, коннотатив, сигнификатив, полисемия.*

КИРИШ

Илм-фан тараққийети ва жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ходисаларнинг, иқтисодий жараёнларнинг мисли кўрилмаган тарзда тезлашуви деярли барча соҳага ўз таъсирини кўрсатмоқда. Кишилиқ жамияти глобаллашув жараёни билан юзма-юз келиб, турли соҳаларда юзага келаётган янгилик, кашфиёт ва инновацияларни идрок этиш билан бирга улардан унумли фойдаланмоқда. Инсоният тарихида юзага келган ҳамда кашф этилган жамики нарса ва ходисалар борки, улар ўз маъно ва тушунчасига эга бўлиши, мазкур маъно ва тушунчалар эса сўз орқали ифодаланиши табиий ҳолдир. Дунёдаги жамики нарса, ходиса, ҳолат, ҳаракат, муносабат, моддий ва маънавий неъмат сифатида ижтимоий борлиқ ҳамда ижтимоий онг маҳсули кабилар ўз маъно ва тушунчасига, ўз вақтида улар эса бирор бир сўз билан ифодаланувчи ўз номига эга. Муқаддас китобларда таъкидланганидек, бутун борлиқнинг аввали ва охири ном - сўз биландир. Шундай экан, Янги Ўзбекистон тараққийетида илм-фан ривожини асосида миллий юксалиш, умуммиллий ва умуминсоний қадриятлар интеграциясини мустаҳкамлаш ҳамда тараққий этириш ҳар

жиҳатдан фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанлар қаторида миллий тилимизни тадқиқ этувчи, унинг тараққиётини таъминловчи лисоний илмий изланишларнинг ўрни ҳам муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Лингвистикада сўз ва уни илмий жиҳатдан ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди. Сўз лисоний жиҳатдан тил ва нутқнинг энг муҳим, асосий ва марказий бирлиги сифатида қаралади. Тил ва нутқнинг ўзига хос бўлган кўплаб хусусият ва ҳодисаларини тилшунослик жиҳатидан ўрганиш сўзни илмий тадқиқ этиш билан бошланади. Нутқ бирлиги бўлган сўз нутқ фаолияти билан бевосита боғланади, нутқ жараёнида воқеланади. Шунинг учун сўз нутқ бирлиги, нутқ «бойлиги» ҳисобланади. Сўз реал бирлик, хусусийлик, аниклик сифатида мавжуд бўлади. Бошқача изоҳлаганда, “Лексема - тил бирлиги тайёр ва турлича имкониятлар мажмуаси бўлса, сўз унинг воқеланиши, рўёбга чиқиши, аник, шакл, мазмун ва вазифа кашф этган моддий кўринишидир. Хар бир лексема нутқда муайян сўз сифатида намоён бўлади” [9:141]. Демак, лексема ва сўз умумийлик ҳамда хусусийлик диалектикаси билан боғланган бўлиб, сўз хусусийлик сифатида умумийликнинг - лексеманинг амалдаги кўриниши, ҳаракати, муайян вазифа бажаришидир. Сўзда тил ва нутқнинг икки асосий томони, яъни ифода – товуш жиҳати ва мазмун – маъно томони намоён бўлади. Айнан сўзнинг турли шаклдаги маъно томонлари лингвистикада семантик жиҳатдан тадқиқ этилади.

Тил ва нутқнинг асосий бирлиги бўлган сўзнинг маъно ва функциялари ҳақида фикр юритиш, мушоҳада қилиш лисоний тадқиқотларга қизиққан хар қандай фалсафий йўналишларга хос бўлган хусусиятдир. Шу нуқтаи назардан немис тилшунос олими Х.Кронассер семантика тарихига бағишланган асарида қадимги юнон фалсафаси намоёндаларидан Платон (милоддан аввалги 427-347 йй.) ва Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йй.) ижодида маъно моҳияти таснифи ва талқинига бўлган илк уринишлар кузатилишини таъкидлаб ўтади [4:18].

Тил инсон тафаккур қобилиятини шакллантирадиган ва тинимсиз бойитадиган манба сифатида машҳур тилшунос олим Фердинанд де Соссюрнинг тил ҳақидаги “Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир” таърифини ёдга оламиз [8:23]. Мазкур таърифда урғу берилган “тафаккурни ифода қилувчи ишоралар” - нутқнинг асосий бирлиги сифатида маъно ифодаловчи сўз ва сўзлар эканлигини яна бир бор таъкидлаш зарур.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.

Сўзнинг маъно жиҳати ҳақида фикр билдиришдан аввал, ҳар бир тилда “маъно” учун келтирилган изоҳлар ва уларнинг талқин қилинишидаги фарқлар мавжудлигини, айрим тилларда мазкур тушунча икки хил маънода қўлланилиши учраса, бошқа тилларда уч ва ундан ортиқ маънода ишлатилишини кузатишимиз мумкин. Айтайлик, ўзбек тилида ушбу тушунча қуйидагича изоҳланади: “Маъно – [мазмун, тушунча, ғоя]: 1. Сўзнинг мазмун томони, сўз билан ифодаланган тушунча... 2. *айн.* мазмун. 3. Баъзи хатти-ҳаракат ва шунга кўралардан англашиладиган нарса; ифода... 4. Бирор нарсанинг моҳияти, нима эканлиги; моҳият...” [10:566].

Сўзнинг маъно ифодаланишини лисоний сатҳда тадқиқ қилишда мазкур лингвистик ҳолатнинг кенг ва тор камровлиги, сўзнинг лексик ва граматик маъноларини фарқлаш, ўз ва кўчма маъно турларининг сатҳи, сўзнинг семантик майдони, сўзнинг маъно ифодалашдаги денотатив ва коннотатив функциялари батафсил изоҳланади.

Сўзнинг нутқ фаолиятидаги асосий вазифаси аташ, номлаш, яъни номинатив вазифа бўлиб, у объектив борликдаги турлича муайян нарса-предметлар, воқеа-ҳодисалар, ҳаракат-ҳолатлар, белги-хусусиятлар билан боғланади, уларни ифода этади, англатади, улар ҳақида муайян маъно, тушунча беради. Сўзларнинг аташ, яъни номинатив функцияси номинация назарияси, номшунослик ёки ономасиологияда ўрганилади [1:68]. Лингвистик адабиётларда илмий жиҳатдан ономасиология - “лексикологиянинг луғавий бирликларини номлаш ва тушунча англатиш принциплари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлим” тарзида изоҳланиб, ономастика – “(лотинча “*onoma*” – “ном” сўзидан олинган) номлар, уларнинг турлари, номланиш сабаблари билан шуғулланувчи тилшунослик бўлими” сифатида таърифланади [5:81].

Сўз маъносининг ифодаланишида унинг нарса ва тушунча билан боғлиқлиги юзасидан қарашлар лингвистикада кенг оммалашган. Бу жиҳатдан сўз маъносининг нарсага, тушунчага ва бошқа сўз маъносига муносабати туфайли унинг функцияси ҳам фарқланган. Натижада сўз маъносининг денотатив, сигнификатив ва структурал функциялари шаклланган. Масалан, сўз маъносининг асосий функциялари сифатида: маъно₁ - нарса₁ (ёки маъно₂ – нарса₂) – денотатив функция; маъно₁ - тушунча₁ (ёки маъно₂ – тушунча₂) – сигнификатив функция; маъно₁ – маъно₂ (ёки маъно₂ – маъно₁) – структурал функция тарзида изоҳланади [2:72]. Аслида сўзлар маъно ифодаланишига кўра турли структуравий тузилишларга эгадир. Шу туфайли сўзнинг нарса ва

тушунча билан боғланишига шартли равишда қарамоқ зарур. Чунки барча сўзлар ҳам нарса, ҳодиса ёки белги номини англатмайди, яъни ҳамма сўзлар аташ, номинатив функциясига эга эмас. Сўзлар ичида отлар (наrsa), феъллар (ҳаракат), сифатлар (наrsa белгиси) ва равишлар (ҳаракат белгиси) маъно ифодасига кўра атама, номлаш функциясини бажаради. Бироқ, ёрдамчи сўзлар ўз ифодасига кўра номинатив функция бажармайди. Бу хусусда тилшунос олим Н.Улуқов мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг луғавий маъноси, номинатив функцияси ва морфологик ҳолати юзасидан уларнинг ўзаро фарқларини куйидагича изоҳлайди:

1. Мустақил сўзларнинг хусусиятлари: луғавий маънога эга; номинатив вазифа бажаради; морфологик жиҳатдан ўзгаради; гапда мустақил ҳолатда гап бўлаги бўлиб кела олади.

2. Ёрдамчи сўзларнинг хусусиятлари: луғавий маънога эга эмас; турли ёрдамчи маъно ва вазифаларда қўлланади; морфологик жиҳатдан ўзгармайди; гапда мустақил гап бўлаги вазифасида кела олмайди [6:140].

Юқорида билдирилган фикрларга кўра нутқдаги маъно ифодаловчи сўзларнинг барчасини шартли деб олиш ҳам мунозаралидир. Тилшунос олим С.Мўминов бу хусусида “Тилдаги рамзлар (номлар)нинг ҳаммаси ёппасига шартли бўлади, деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳар бир янги тушунчани ифодалаш учун мавжуд сўзлардан у ёки бу маънода фойдаланилади. Аммо янги тушунчани ифодалаш учун танланган сўз тасодифий эмас. У янги тушунча ва мавжуд сўз ўртасидаги қонуний алоқа туфайли содир бўлади. Умуман олганда, ҳар бир сўз ўзига хос лексик маъно англатади ва бу маъно ифодаланувчининг моҳиятини у ёки бу даражада намоён этиш учун хизмат қилади” деб ёзади [7:44].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, сўзлар асли ўз хусусиятида устун бўлган номинатив функциясига кўра нутқимизда мавжуд бўлган номлар ҳисобланади. Сўзлар асосий ёки тўғри ва кўчма маънода келади. Сўзнинг асосий ёки тўғри маъноси бевосита шу сўзнинг атама – номинатив функцияси билан боғлиқ бўлади. Асосий ёки тўғри маъноли сўз негизида кўчма маъноли сўз пайдо бўлади. Натижада бир хил маъно ёки тушунчани, наrsa ёки ҳодисани ифодалаётган сўз, бошқа бир наrsa ёки ҳодисанинг ифодаси учун қўллана бошлайди. Сўзнинг кўчма маъноларда қўлланилиши барча тиллар учун хосдир. Одатда лисоний жиҳатдан сўз маъносининг кўчиш усули метафора, метонимия, синекдоха ва функционал кўчиш кабиларни ўз ичига олади.

Сўзлар бир-бирига ўхшашлиги, яқинлиги ва нутқ жараёнида ишлатилишига кўра маъноларини ўзгартириши, сўзга қўшимча маънолар юкланиши ҳам мумкин. Бу ҳолат лисоний жиҳатдан кўп маъноли сўзлар сатҳини юзага келтиради. Кўп маъноли сўзнинг ҳар бир маъноси бошқа сўзларнинг маънолари билан алоқага киришади. Лингвистик жиҳатдан сўз лексик маъносининг кенгайиши натижасида кўп маъноли сўзлар пайдо бўлади. Сўзларнинг кўп маъноли бўлиш ҳолати лингвистикада полисемия атамаси билан юритилади.

Сўз маънолари ҳақида кенг қамровли фикр юритар эканмиз, тилда лексик маънолар доимий равишда ўзаро муносабатда бўлишини назарда тутишимиз лозим. Айнан шу муносабатлар сабаб маъно ифодалашига кўра сўзлар шаклдош, маънодош ва маънолари зид бўлиши мумкин. Мазкур лисоний жараён омоним, синоним, антоним ва пароним каби лингвистик ходисаларни ўртага чиқаради [3:93].

Сўзларнинг нутқ жараёни ёки матнда ишлатилиш ўрни *контекст* деб аталади. Сўзнинг ифода ва мазмун жиҳатлари, унинг алоҳида маънолари нутқ жараёнида ёки контекста ойдинлашади, аниқроқ ва батафсил очилади [1:74].

Юқорида келтирилган таҳлил ва мисоллардан шу нарса аён бўладики, маълум бир сўз маъносини аниқлаш ёки белгилаш маълум бир луғатлар кесимида келтирилган луғавий маънолар билан чегараланиб қолмасдан, мазмун, контекст, кўлам доираси, образлилик, жаргон, профессионализм каби хусусиятларни касб этиши билан бир қаторда, тушунча, концепт сифатида ўз мазмун-моҳиятига эгаллиги ҳам мазкур бирликларнинг қўлланилиш кўлами, қолаверса семантик майдонининг нақадар кенглигидан далолатдир.

ХУЛОСА.

Тилшунос олимларнинг маълумотига кўра ер юзида жами 7 мингдан ортиқ тил мавжуд. Жаҳондаги 7,5 миллиард киши мулоқот қиладиган бу тилларнинг бор йўғи 1% да, яъни 70 та тилда дунёнинг 90% аҳолиси мулоқот қилади. Миллий тилимиз ҳисобланган ўзбек тили ҳам дунё аҳолиси кўп гаплашадиган тиллар қаторида бўлиб, тилимиз юқоридаги 1% нинг таркибидадир. Дарҳақиқат, ҳозирда дунё миқёсида 50 миллиондан ортиқ киши, баъзи маълумотларга кўра эса 55 миллионга яқин киши ўзбек тилида гаплашади [11]. Гарчи ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан давр талабига жавоб берадиган изохли луғат яратиш зарурати келиб чиқиб, академик А.Ҳожиёв раҳбарлигида Ўзбекистон

Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг бир гуруҳ луғатшунослари томонидан 2006-2008-йилларда 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” тузилган ва нашр этилган бўлсада, унда 80 мингга яқин сўз жамланган холос. Мазкур луғатда 80 мингга яқин ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва сўз бирикмалари, фан, санъат, маданият ва техника соҳаларига оид атамалар, шеваларда қўлланадиган ҳамда тарихий сўзлар мавжуд [12]. Бироқ, юқорида тилга олинган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да жамланган сўзлар миқдори юзасидан якуний хулоса чиқариш мунозаралидир. Чунки таниқли тилшунос олим, профессор А.Рустамов фикрига кўра ўзбек тилида мавжуд бўлган сўзларимиз беш юз мингдан кам эмас [13].

Тилимизда мавжуд сўзларни семантик жиҳатдан пухта ўрганиш ва тил бирлиги сифатида лексема, нутқ бирлиги сифатида эса сўзларнинг маъно сатҳини илмий тадқиқ қилиш мантиқий аниқлик ва мукамалликни ўртага чиқаради. Нутқда ифодаловчи маъно, тушунча ва номинатив функциясига кўра сўз қўллаш меъёрларига риоя қилиш, аниқликни таъминлаш ҳар жиҳатдан жамият олдига қўйилган мақсад сари интилишда тараққиётни кафолатлайди. Машҳур файласуф Рене Декарт таъкидлаганидек: “Агар сиз сўз маъноларини аниқлаб олсангиз, дунёни ярим чалкашликлардан халос қилган бўласиз”.

REFERENCES

1. А.А.Абдуазизов. Тилшунослик назариясига кириш. Т.,2010. (A.A.Abdiazizov. Introduction to Linguistic Theory. T., 2010.).
2. Головин Б.Н.. Введение в языкознание. Изд."Высшая школа". М., 1977. (Golovin B.N. Introduction to linguistics. Publishing House "Higher School". M., 1977.).
3. И.Йўлдошев, Ў.Шарипова. Тилшунослик асослари. Т.,2007. (I. Yuldashev, O. Sharipova. Fundamentals of Linguistics. T., 2007.).
4. Kronasser H. Handbuch der Semasiologie: kurze Einführung in die Geschichte, Problematik und Terminologie der Bedeutungslehre. – Heidelberg, 1952. (Kronasser H. Handbuch of Semasiology: Curriculum Einführung in die Geschichte, Problematik und Terminologie der Bedeutungslehre. - Heidelberg, 1952.).
5. Н.Маҳкамов, И.Эрматов. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. “Фан”, Т., 2013. (N.Mahkamov, I.Ermатов. Annotated Dictionary of Linguistic Terms. “Fan”, T., 2013.).
6. Н.Улуқов. Тилшунослик назарияси. Т., 2016. (N.Ulugov. Linguistic theory. T., 2016.).

7. С.Мўминов. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. ФДУ. Ф., 2021. (S.Muminov. Socio-linguistic features of Uzbek communication behavior. FDU. F., 2021.).
8. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. Переводчик А.М.Сухотин под редакцией Р.О.Шор. – Москва: Юрайт, 2019. (Sossyur F. de. Linguistics course. Translator A.M.Suxotin under the editorship of R.O.Shor. - Moscow: Yurayt, 2019.).
9. Х.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.- Т.,1995. (X.Ne'matov, R.Rasulov. Fundamentals of Uzbek language system lexicology. -T., 1995.).
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев таҳрири остида. Т., 2008. (Annotated dictionary 1 of the Uzbek language. A. Edited by Madvaliev. T., 2008.).
11. <https://kun.uz>news>2020/06/26>
12. <https://uzreport.news.society.ozb...>
13. www.kh-davron.uz
14. Мо'минов, Ш. Мемуар, bag'ishlov va marsiyalarda rahbar muloqot xulqiga xos qirralarning namoyon bo'lishi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 689-695.
15. Муминов, С., Эхсонова, М. (2021). Linguapoetic features of English derivations in literary text. Международный журнал языка, образования, перевода, 4(2), 90-67.
16. 8. Мўминов, Ш. С. (2022). Раҳбар нутқининг таъсир ўтказиш усуллари. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies, 2(3), 418-426. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-3-418-426>